ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СОЧ БИЛАН БОҒЛИҚ ИНОНЧ-ЭЪТИҚОДЛАР СЕМАНТИКАСИ

Зебинисо Расулова
Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
Фольклор бўлими катта илмий ходими
филология фанлари номзоди.

Резюме: Мақолада ўзбек халқининг соч билан боғлиқ инонч-эътиқодлари ва уларнинг сеҳрли эртаклардаги бадиий талқини масаласи ёритилган. Соч билан алоқадор эпик мотивларнинг тарихий асослари аниқланган ҳамда соч толаси деталининг эртак бадиий қурилишидаги поэтик вазифалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ўзбек фольклори, сеҳрли эртак, сюжет, мотив, генезис, соч магияси, маросим фольклори, тотемистик қараш, ғаройиб соч мотиви.

SEMANTICS OF HAIR-RELATED BELIEFS IN UZBEK FOLK-TALES

Zebiniso Rasulova
Academy of Sciences of Uzbekistan Institute of Uzbek language, literature and folklore Senior Researcher of the Department of Folklore
candidate of philological sciences

Resume. The article describes the Uzbek people's beliefs about hair and their artistic interpretation in magical tales. The historical basis of the epic motifs related to hair is determined and the poetic functions of the hair strand detail in the fairy tale artistic construction are researched.

Key words: Uzbek folklore, magical tale, plot, motif, genesis, hair magic, ritual folklore, totemistic view, strange hair motif.

Ўзбек халқининг эътиқодий қарашлари тизимида “соч” билан боғлиқ инончлар муҳим ўрин тутади. Бинобарин, дунё халқлари фольклори ва этнографиясига оид адабиётларда ҳам соч магияси билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди.[1]

Ўзбек халқининг қадимий эътиқодий қарашларига кўра, олинган сочни оловда ёқиш, ахлатга ташлаш мумкин бўлмаган. Бир уйда икки кишининг

[1]Гаген-Торн Н.И. Магическое значение волос и головных уборов в свадебных обрядах Восточной Европы // Сов. Этнография. – М., 1933. - №5-6. - С.76-88; Черчиев А.М. О мотиве чудесных волос в дагестанской мифологии // Проблемы мифологии и верований народов Дагестана. - Махачкала, 1988. - С.52-59.

баравар соч тараши тақиқланади. Ҳомиладор аёл соч қирқса, қорнидаги боласининг умри қирқилади дейилади. Соч патини ҳар жойга ташламаслик кераклиги уқтирилади. Соч толасини мусича олиб кетиб ин қурса, ўша соч эгаси қаттиқ бош оғриғига гирифтор бўлиши айтилади. Соч токнинг тагига кўмилса, соч узун бўлармиш. Камалак чиққанда сочни бошдан ўгириб остонага қўйиб чопса ҳам, соч узун бўлиши айтилади. Ҳатто бу иримни бажариш жараёнида айтиладиган айтимлар бизгача етиб келган. Фақат у ҳозирги пайтда болалар репертуарида учрайди:

Камалакжон, камалак,

Раънога бер жамалак.

Соч билан боғлиқ магик-эътиқодий қарашлар туғилиш, никоҳ ва ўлим каби инсон умрининг асосий босқичларини ташкил этувчи барча йирик маросимларнинг асосий удумлари таркибига сингган. Қизларнинг сочини илк бор ўриш ҳам ўзига хос маросим кўринишида кечади. Қизалоқнинг сочини илк бор ювиб тараб ўраётган она ёки буви бу жараёнда махсус ритуал хатти – ҳаракатларни бажаради. Бунда қизалоқнинг тезроқ улғайиши алоҳида ният қилинади ва шу ниятни бадиий ифодалаш учун унинг сочи дам қулочланиб, дам тутамланиб: “*Ойда қулоч, кунда тутам*” –деб айтилади-ю, сўнгра қизчанинг бўйнига уч марта енгил туртган ҳолатда уриб қўйилиб, бу мисралар яна давом эттирилганча: “*Сенга куёв, менга палов*”, дейилади.

Бу олқиш-айтимнинг кейинги мисралари орқали қизалоқнинг тезроқ вояга етиб, ўз бахтини топиши, қиз ўстираётган ота-онанинг орзу-ҳавасига тезроқ эришиши истаги бадиий ифодаланмоқда. Турмушга узатилаётган қизларнинг сочини қирқта ўриш учун ташкил қилинадиган “Соч ўрди” маросими ҳам ўзида соч культи билан боғлиқ қарашларни ифода этади.

Сочни ёйиш ёки қирқиш мотам рамзини билдиради. Буни “Сочинг қирқилсин” деган қарғишнинг борлиги ҳам тасдиқлайди. Бу қарғиш, одатда, ножўя хатти-ҳаракат қилган аёл-қизларга нисбатан айтилади. Унинг замирида шу аёл-қизга суянчиқ ҳисобланган ва у мансуб бўлган уруғдан бирор яқин эркак кишининг ўлими тиланаётганлиги маъноси ётади. Қадимги доғистонликлар орасида аёлнинг эри ўлса сочини ёйиб, сўнгра қирқиб марҳум эри кўкси устига қўйиш одати амал қилган. Дарғинликлар сочини аёл кишига олдирган эркак жаннатга киролмайди деган ишончга амал илишади. Шунинг учун улар орасида ҳатто “Агар алдасам, бошимни аёл олсин” деган қасам бор.[2]

Ўзбеклар орасида эса ҳозиргача эри ўлган аёлнинг жасад тепасида сочини ёйиб, сочини юлқиб йиғи қилиш одати сақланиб келмоқда. Айрим жойларида ўлим юз берганда, хусусан, она ўлимида оиладаги қизларнинг сочини олдириб

[2] Черчиев А.М. Кўрсатилган мақола. – Б.52-59.

юриши анъанавий удумлардан бири экан. Бу ҳамда қизларнинг онаси жасади устига сочларидан бир тутам қирқиб қўшиб кўмиши одати замирида аслида фарзаднинг ўз сочини онасига у дунёдаги ҳамроҳ сифатида гўё қурбонлик қилгани англашилади.

Халқ қарашларига кўра, сочнинг қирқилиши ва ёйилиши эр ва хотин муносабатларининг тугагани ва узилганига рамзий ишора қилади. Агар шундан келиб чиқиб фикр юритилса, никоҳ тўйида сочни ритуал ўриш удуми орқали эркак ва аёл муносабатларининг боғланганлиги ифода этилиши англанади. Бу ҳолат соч ўримларининг миқдори орқали ҳам англатилади. Айтайлик, қизлар сочини одатда тоқ ўриб юрсалар, турмуш кўрган, эрли аёлларнинг сочини тоқ ўриши ирим ҳисобланади. Улар сочини жуфтликни ва кўпликни англатувчи икки ўрим ё қирқ ўрим, ёхуд йигирма ўрим қилиб ўриб юрадилар.

Соч билан боғлиқ бундай инончларга бола туғилиши ва уни тарбиялаш жараёнига алоқадор удумларда ҳам алоҳида эътибор берганлар. Хусусан, чақалоқ онасидан узун соч билан туғилса, буни хосиятлилик аломати деб билганлар ва боланинг ”қорин сочи”ни узоқ вақт олдирмаганлар. Хоразм вилоятининг Шовот туманида бола бир ёшга кирганда унинг сочи илк бора олинган ва бошининг атрофида озгина ”қорин сочи” қолдирилган. Ана шу ***”қорин соч”*** ёки ***”ҳайдар”*** деб аталувчи кокил бола суннат қилингунига қадар олдирилмаган.

Этнографик адабиётларда қайд қилинишича,[3] ”соч тўйи” ва ”кокил тўйи” маросимларининг ўтказилиш муддатлари ҳар хил қилиб белгиланган. Хоразмда бола бир ёшга тўлган куни боланинг сочини олиб, бошининг энса қисмида бир тутам сочни қолдиради. Бу ***”ҳайдар”*** дейилади. Г.П.Снесаревнинг ёзишича, қадимда кўп йиллар фарзанди бўлмаган, яъни ”фарзанд йўли очилмаган” ёки боласи туғилган бўлса-да, ёшлигидаёқ нобуд бўлиб кетаверган ота-она ўзининг бўлажак фарзандини бирорта авлиёга назр қилган. Бунинг замирида фарзандимнинг умри узун бўлсин, унга зиён-заҳматлар озор етказмасин деган эзгу ният ётган. Ўша ота-онанинг оиласида бола туғилиб, орадан маълум вақт ўтгач, унинг ”қорин соч”и олинганда бошининг орқасида кокил қолдирганлар. Ана шу кокил ”ҳайдар” деб аталган ва чақалоқ бирор авлиёга назр қилинганлигини англатган. Баъзан бундай болалар (агар ўғил бола бўлса)га ”Назриддин”, ”Нарзулла” деб ҳам исм қўйишган. Бола 7-9 ёшга кирганида, яъни

[3] Фирштейн Л.А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребенка у узбеков Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. - М.: Наука, 1977. - С.200-203.

суннат тўйи қилинган пайтда унинг ”ҳайдар”и қирқиб олинган ва бола назр қилинган авлиё зиёратгоҳига кўмилган.[4]

Сочни олдирганда кокил қолдириш удуми қадимги туркийлар даврида ҳам мавжуд бўлган. Бу одатнинг бир кўриниши Тоғли Олтойда истиқомат қилувчи туркий қавмларда сақланиб қолган: уларнинг удумига кўра, балоғатга етган йигитлар сочини олдирганда бошининг тепа қисми ёки орқасида кокил қолдирадилар.[5]

Боланинг сочини биринчи марта олишда қатор удумларга риоя этганлар. Боласи турмайдиган ёки туғилган чақалоқлари кўп касал бўладиган оилада туғилган боланинг сочи илк бор олинганда унинг қирқилган ”қорин соч”ини янги мато бўлагига ўраб, бирорта авлиё зиёратгоҳига олиб бориб кўмиб келишган. Бу билан гўё бу бола ўтган аждодлар руҳи ҳамда улуғ авлиёларнинг ҳомийлигида, паноҳида бўлади деб умид қилганлар. Айрим жойларда боланинг биринчи марта олинган сочини тумор ичига солиб, унинг дўпписига тикиб қўйишган. Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида эса ”соч тўй”ига таклиф қилинган сартарош боланинг ”қорин сочи”ни қирқиб олиб онасига берган. Она бу сочларни солиб тумор тиккан ва боласининг тўйигача сандиқда сақлаган. Суннат тўйи куни ўша туморни боланинг бўйнига осиб қўйса, унга ҳеч қандай ёвуз куч дахл қилолмайди, деб ишонганлар.[6] Болага қўйилган ”ҳайдар” суннат тўйи куни ёки бу тантанадан бир неча кун аввал қирқиб олинган. ”Кокил тўйи” деб аталган бу маросим одатда оила даврасида, қўни-қўшнилар ва қариндошлар билан биргаликда ўтказилади. Қирқиб олинган ”ҳайдар”ни девор ёриғига ёки тол тагига кўмишган. Халқ қарашларига кўра, боланинг сочи тол тагига кўмилса, ўша бола толга ўхшаб тез ўсар эмиш.[7]

«Хоразмда ҳам соч ва тирноқ билан алоқадор анчагина ирим-сиримлар мавжуд бўлган. Масалан, соч ва тирноқни ўтда куйдириш мумкин бўлмаган, чунки, унинг эгаси бирор фалокатга йўликади ёкибош оғриғи касалига дучор бўлади деб қўрққанлар. Сартарошлар олинган сочларни дуч келган жойга эмас, балки кўпинча бирор мозорга олиб бориб кўмиб келишган. Соч билан боғлиқ бундай табуларнинг қадимий илдизлари «Авесто»га бориб тақалади».[8]

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жиғачи қишлоғида эса боланинг биринчи марта олинган сочини бирорта мевали дарахтнинг тагига кўмганлар. Ҳосилдорлик ва дарахт культи билан боғлиқ бўлган бу удумнинг моҳияти

[4] Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М.: Наука, 1969. - С.92-96.
[5] Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.97-98.
[6] Фирштейн Л.А. О некоторых обычаях и поверьях... С. 202.
[7] Сухарева О.А. Мать и ребенок у таджиков // Иран. Т.3. - Л., 1929. - С.154.
[8] Снесарев Г.П. Релекты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.169.

боланинг соғлом ўсиши ва серфарзанд бўлиши билан белгиланади. Жиғачиликлар боланинг сочини ахлатга ташлаш ёки сочиб юбориш мумкин эмас деб ирим қиладилар. Чунки боланинг илк бор олинган сочини қушлар уясига ташиб кетса, умр бўйи ўша бола бош оғриқ дардига мубтало бўлади; агар қушлар сочларни чўқиб, сочиб ташласа, боланинг сочлари тўкилиб кетади деб ўйлаганлар. Бундай ирим-сиримлар замирида аслида болани ёвуз кучлар хуружию, ёмон кўзлар назаридан сақлаш, унинг соғлом бўлиб ўсишини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассамлашга***н.***

Ўзбек халқ никоҳ тўйи маросими таркибида мавжуд бўлган ***”соч сийпатар”*** удуми ҳам ўзининг тарихий асосларига кўра соч магияси билан боғлиқ. Ўзбек фольклорини тўплашга катта ҳисса қўшган фидойи зиёлилардан бири Исо Эрназар ўғли томонидан 1926-27 йилларда Самарқанд вилоятидан ёзиб олинган этнографик маълумотларга қараганда «соч сийпатар» удуми удуми шундай бўлади: «Соч сийпатар» қилганда «куёв қизнинг сочини ушласин, баданини ҳам ушламоққа икковининг ўртасидан уяти кўтарилсин» деб ирим билан ушлатади. Сочни сийпаганда куёв силайди, юқорига қараб сочни сийпалайди, пастга қараб сочни сийпамайди. Пастга қараб сочни сийпаса, келинчакнинг сочи тушади деган ирим бор. Шунинг учун куёв қизнинг сочини сийпаганда пастдан юқорига қараб сийпайди».[9]

Ўш вилояти ўзбек никоҳ тўйи маросим таркибида ҳам соч силаш удуми мавжуд бўлиб, бу одат ***«чарсиллади»*** деб аталади. Куёв гўшангага кириб, келиннинг сочини пешонасидан силаб қўяди, бу пайтда қизнинг дугоналари чимилдиқ олдида «ёр-ёр» айтиб турадилар.[10]

Сочнинг магик хусусиятга эгалиги тўғрисидаги мифологик тасаввурлар халқимизнинг ажина ҳақидаги эътиқодий қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Айтишларича, ажинанинг сеҳрли кучи унинг узун сочида бўлар экан. Шунинг учун ажинани тутиб олган киши унинг сочидан маҳкам ушлаб тортса, у сочини қўйворишни сўраб илтижо қиларкан. Ана шунда ажина ўзининг тилсим китоби, сеҳрли тангаси ёки сочининг бир неча толасини бериб, ўша одамнинг етти пуштигача зиён етказмасликка қасам ичади, деб ҳикоя қиладилар.

Қадимги одамларнинг сочда магик хусусият бор, деб тасаввур қилганликлари учун соч культи шаклланган. Сочга нисбатан табу эса соч билан боғлиқ турли ирим-сиримларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлса, соч

[9] ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№9130. Самарқанд вилояти бўйича Эрназар томонидан 1926-27 йиллар тўпланган этнографияга оид материаллар.

[10] Исмонова О. Ўзбек тўй маросим фольклорида «келин салом» жанри (генезиси, ўзига хос хусусиятлари ва поэтикаси): Филол. фанлари номз. дисс. - Тошкент, 1999. – Б.22.

культи билан боғлиқ қарашлар сочга алоқадор маросимларнинг келиб чиқишига замин бўлган.

Соч магияси ҳақидаги қадимги тасаввур-тушунчаларнинг ўзбек халқ қўшиқларидаги бадиий талқинини ўрганган А.Мусақулов: “Соч магияси бош каби осмон ғояси билан боғлиқ бўлганлиги учун оғзаки ижодда соч жуда қудратли куч сифатида талқин қилинади...Магия ҳодисасига кўра, соч жонли ва қудратлидир”[11]Таниқли удумшунос Ж.Фрезер қадимги инсонларнинг сочда бошнинг руҳи мужассам деб қараб, сочни қирқишга, уни оловга ташлашга қўррққанликлари ҳақида маълумот беради.[12]

Баъзи удумшунослар соч ўсиш хусусиятига эга бўлганлиги боис қадимги одамлар уни ҳосилдорлик ғояси билан боғлаганликларини бизгача етиб келган мифлар воситасида аниқлашга уринадилар.[13] Қадимги одамларнинг соч культи билан боғлиқ қарашлари асосида шаклланган айрим маросимларнинг бадиий талқини эртакларда ҳам учрайди. Хусусан, сеҳрли-фантастик эртаклардаги сеҳрли соч, тилла кокил, сеҳрли мўй, сеҳрли тола каби образлар буни тасдиқловчи муҳим бадиий деталлардир.

Ҳатто соч афсунгарлик ва жодугарлик ишларида муҳим деталлардан бири ҳисобланган. Бунда одамнинг соч толаси орқали эгасига магик таъсир ўтказилган. Соч толаси олиб куйдирилса, унинг эгаси қаттиқ бош оғриғига йўлиқиши; агар соч толаси ахлатга, нопок жойларга ташланса., унинг эгаси ғам-ташвиш ва кулфатга гирифтор бўлиши айтилади. Демак, сочни куйдириш билан унинг эгасининг руҳиятига таъсир ўтказиш, уни безовта қилиб, хотиржамлигини ўғирлаш ҳақидаги қарашлар халқ эртакларида учрайдиган анъанавий мотивлардан биридир. Хусусан, халқ эртакларида бирор жонивор қолдирган белги – тукни куйдириш билан уни ёрдамга чорлаш мотиви кўп учрайди. Кўриняптики, бу мотивнинг келиб чиқишида соч культига алоқадор қарашларнинг таъсири кучлидир.

Соч билан боғлиқ эътиқодий қарашлар эса эпик асарларда сеҳрли соч толаси, сеҳрли ёл (тук, қил), тилла кокил, тилсим тери образлари яратилишига асос бўлган. Улар сеҳрли-фантастик эртаклар сюжетида ўзига хос поэтик вазифа бажариб келади. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида соч беш хил талқин қилинади:

1. **Сочнинг табиий гўзаллиги**. Қирқ кокилли гўзал пари қизлар, хушрўй маликалар, узун сочли қизлар таърифи эртакларда алоҳида эътиборни тортади ва тингловчининг эстетик завқини оширади.

[11] Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.109.
[12] Фрезер Дж.Дж. Золотая ветвь. - М.: Политиздат, 1983. – С.263-266.
[13] Гаген-Горн Н.И. Магические значения волос и головного убора в свадебных обрядах Восточной Европы // Этнография. – М., 1933. - №56. - С.81-89.

2. **Сочнинг нотабиий хусусияти**. Тилла кокилли ва зар кокилли болалар образи талқини мисолида буни кузатиш мумкин. Эртакларда бундай болаларнинг магик хусусиятга эга бўлиши алоҳида таъкидланади.

3. **Сочнинг магик куч-қудрат манбаи сифатидаги хусусияти**. Қадимги одамлар соч узоқдаги одам билан хабарлашиш воситаси бўла олади, деб тасаввур қилишган. Бундай тасаввур-тушунчаларнинг излари ўзбек халқ эртак ва достонларида ҳам сезилади. Уларда соч образининг алоқа-хабар воситаси сифатида талқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Кунтуғмуш” достонида гўзал Холбека Кунтуғмушга нисбатан муҳаббати ҳақида соч толасига ўралган расмини тилла сандиққа солиб дарёга оқизиб юбориш орқали хабар етказади. Ёки “Олтин бешик” номли ўзбек халқ эртагида катта тошнинг ичига кириб ғойиб бўлган опасини синглиси опаси ўтирган тошнинг орасидан чиқиб турган бир тутам сочи орқали билиб қолади. Бу мотив “Ёрилтош” эртагида ҳам учрайди. Унда тош ёрилиб, қизни ҳимоясига олади.

Умуман айтганда, бирор жойнинг ёрилиб, ёрдамга муҳтож қизни ўз ҳимоясига олиши, унинг ғаройиб макондан қўним топганлигини ташқарида қолган бир тутам сочи орқали билиб олиш мотиви нафақат халқ эртакларида, балки айрим топонимик афсоналар сюжетида ҳам келтирилади. Ҳатто бу мотив топонимик афсоналар сюжетининг анъанавий мотивларидан бири сифатида турғунлашган. Бунда соч тимсоли орқали маълум бир жойнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатган воқелик баён этилади. Уларда соч эпик белги вазифасида талқин қилинади. Жумладан, “Қизбибининг сочлари” афсонаси сюжети бунга мисол бўла олади. Афсонада айтилишича, қадим замонда бир гўзал қиз яшаган экан. У барча илмлардан хабардор бўлиб, жуда кўп мўъжизалар кўрсатар, ҳар қандай мушкул ишни тезгина ҳал қилар экан. Бу кизнинг ҳар кандай мўъжизаларини кўрган баъзи одамлар уни сеҳргарга чиқарибдилар. Бир куни қирқ кишилик лашкар бу қизни ўлдириш пайига тушишибди. Қиз жуда кўп жойларга яшириниб, қочибди. Лашкарлар қизни энди тутамиз деганда, у худога илтижо қилибди. Шу пайт ер ёрилиб, қиз ер остига кириб кетибди. Бир тутам сочи эса ернинг устида қолибди. Шу сочдан саксовул дарахти пайдо бўлибди. Гўзал қиз ер остига кириб кетган жой эса зиёратгоҳга айлантирилибди.[14]

4. **Қизнинг қалин узун сочларидан арқон сифатида фойдаланиши**. Эртак ва достонларда кўп учрайдиган бу мотивда қиз узун сочи билан севган ёрини пастдан баландликдаги кўшкига (ёнига) тортиб чиқариб олади. Бу ўринда сочнинг ёрдамчи восита, қурол вазифасини бажариши кузатилади. Сочдан арқон сифатида фойдаланиш мотиви қонхўр ялмоғиз ёки жодугар кампир образи учрайдиган эртакларда ҳам кўзга ташланади. Қаҳрамон қонхўр ялмоғиз ёки

[14] Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. – Б.98.

жодугар кампирни ўзининг узун сочларига ўраб, қўл-оёқларини боғлаб қочиб қолади. Ёки ялмоғизнинг узун сочларини қаҳрамон тўрт томондан тўртта қозиқ қоқиб, шу қозиқларга боғлаб қўяди.

Шу ўринда халқнинг ажина ва албасти ҳақидаги қарашлари ҳам беихтиёр ёдга келади. Чунки бу мифологик персонажларнинг магик куч-қудрати сочида бўлиши, агар кимда-ким ажина ва албастининг узун сочларини қўлига ўраб олса, уни ўзига осон бўйсундириши айтилади. Шундай қилинса, улар одамга бир умр тобе бўлиб, унинг етти пуштига зиён-заҳмат етказа олмаслиги таъкидланади. Бундан халқнинг сочга магик қудрат воситаси деб қараганлиги ёркин кузатилади.

5. **Соч толасини куйдириш орқали хабар бериш**. Эртак сюжетлари асосида яратилган халқ достонларидан бири «Ҳурлиқо ва Ҳамро»да Ҳамро оғир аҳволга тушиб қолганда синглиси Гулжамилага: «Эй синглим бошим устида бир тор соч бор, сори соч, шуни тутат» - дейди. Гулжамила ўша соч толасини тутатганда куйган сочнинг ҳиди Ҳурилиқонинг бурнига тегиб, ёри қийин аҳволга тушганлигидан хабар топади. Достонда тасвирланишича, «минг йиллик йўлда ётган Ҳурилиқонинг бурнига саҳарнинг файзли вақтинда бир ис келиб тегди, акса уриб ўрнидан сакраб турди. Менинг севгили ёрим Ҳамрожонга бир бало бўлди ўхшайди, деб ўйлади. Исми аъзам дуосини ўқиб, бир силкиниб каптарга айланди, тирноғина дам солиб қараса, Ҳамрожон чоҳ ичиндан чиқиб турибди».[15]

Тотемистик қарашлар ҳукмронлиги даврида у ёки бу жониворнинг соч толаси, туки ҳам магик хусусиятга эга деб қаралган. Эртакларда улар ҳомий кучни чақириш воситаси сифатида талқин қилинади. Қаҳрамондан бирор ёрдам олган ёки қаҳрамондан енгилиб таслим бўлган жонивор одатда унга ёлидан нишона беради. Шу билан у қаҳрамонга ўз устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун изн берган ҳисобланади. Жумладан, ўзбек халқ эртакларида от ёли, шер ёли, маймун туки, йўлбарс ёли, илон пўстлоғи кабилар магик хусусиятга эга бадиий детал сифатида талқин қилинганлиги кузатилади. Масалан, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида шер, шоқол, бўри болага биттадан ўз тукларидан белги юлиб берадилар.[16] “Булбулигўё” эртагида эса йўлбарс қаҳрамонга мўйловидан юлиб беради.[17] Эртак қаҳрамонлари эса бошига мушкул иш тушганда, шу тукни тутатсалар, бу жониворлар кўз очиб-юмгунча етиб келиб, ёрдам бериши тасвирланади. “Ота васияти” эртаги сюжетида отнинг мўйи тутатилса, от етиб

[15] Ошиқнома. Хоразм достонлари. Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, А.Аҳмедов, С.С.Рўзимбоев. – Урганч, 2008. – Б.320-321.
[16] Само тулпори. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –Б.8.
[17] Само тулпори. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –Б.29.

келиб ёрдам бериши мотиви бор. “Сичқонбой ва бўзчи йигит” эртагида қаҳрамон оқ отнинг ёлидан тутатқи қилиб, ундан кўмак олади.[18]

Сеҳрли ёл (тук, қил) - тутатилганда бахт, омад ато эувчи магик восита сифатида талқин этилади. Масалан, “Оловполвон” эртагида девнинг кўлтиқ қили осмонга учирилганда мастон кампирни чақириб беради.[19] Девлар тукидан тутатқи қилиб, улардан мадад олиш мотиви “Сичқонбой ва бўзчи йигит” ва “Ойпари”[20] каби ўзбек халқ эртаклари сюжетида ҳам учрайди.

Баъзи эртакларда соқол ҳам магик хусусиятга эга сифатида образлантирилади. Жумладан, Шарқ эртаги “Чол ибн Хаттоб” бу жиҳатдан анча машҳурдир. Унда чолнинг бутун магик қудрати соқолида эканлиги баён этилган.

”Танасиз каллаю, калласиз тана” эртагида оппоқ соқолли киши, “Сирли гиламча” эртагида оппоқ соқолли нуроний чол, “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида оппоқ соқолли, малла чопонли бир чол, “Шунқор” эртагида эса оппоқ соқоли кўксини тўлдириб, нур сочиб турган нуроний чол-қизил дев образи тасвири учрайди ва эртак сюжетидаги етакчи персонажлардан бири сифатида гавдаланади.

Соч билан боғлиқ магик қарашлар халқ орасида тароқ, соч толаси ва бош кийимлари билан боғлиқ турли иримларни ва инончларни келтириб чиқарган. Шунинг учун сеҳрли эртакларда тароқ, соч толаси (мўй, қил), бош кийимлари ғаройиб предмет сифатида образлантирилади. Бу билан уларнинг сирлилиги, ўзига хос табуга эгалиги таъкидланмоқчи бўлади.

Предметларга нисбатан табулар ритуал покланиш қоидаларига амал қилиш натижасида келиб чиққан. Жумладан, тароқ ҳам сочни тартибга келтириш, тараб силлиқлаш учун ишлатиладиган гигиеник воситалардан биридир. Халқимиз орасида тароқ билан боғлиқ бир қатор гигиеник талаблар мавжудлиги буни яққол тасдиқлайди. Айтайлик, тароқ ҳар кимнинг шахсий гигиеник қуролларидан биридир. Бир кишининг тароғида соч тараш тақиқланади. Тароқ айирбошлаш, бир-бировига тароқ совға қилиш ирим қилинади.

Тароқ образи халқ эртакларида кўп учрайди. Айниқса, сеҳрли эртакларда у магик қудратга эга тилсим предметлардан бири сифатида ҳар хил бадиий вазифада талқин қилинади. Аниқроғи, эртакларда тароқ кўпинча икки хил вазифада талқин қилиниши кузатилади. Биринчиси, сочни тараш предмети сифатида. Иккинчиси, магик восита сифатида. Сочни тараш тароқнинг ҳақиқий реал вазифаси ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳаётда тароқдан, асосан, соч тарашда фойдаланилади. Шунинг учун тароқ кўпгина халқлар орасида орасталик буюми

[18] Само тулпори. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –Б.71.
[19] Гулиқаҳқаҳ. Ўзбек халқ фантастикаси. VI-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1988. –Б.32.
[20] Само тулпори. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. –Б.91.

сифатида қаралади. Ундан сочни тартибга солиш, силлиқлаб ўримга тайёрлаш учун фойдаланилади.

Қадимги қабрлардан топилган тароқлар марҳумлар учун шунчаки орасталик буюми сифатида эмас, балки магик ҳимоя воситаси сифатида қўйилган. Шарқда аёллар тароқни турли касалликлардан ҳимоя қилувчи махсус магик восита сифатида тақиб юришган. Доимий тақиб юриладиган бундай тароқлар ярим айлана кўринишида бўлиб, ё бошнинг орқа қисмига (уни энса тароқ деганлар), ё бошнинг пешонадан юқори қисмига тақилган.

Ўзбекистон Республикаси Тарих музейида қадимги қабрлардан топилган суякдан қирралари отнинг боши кўринишида ишланган тароқ сақланади. Суяк тароқлар кўпинча тотем сифатида ардоқланган жониворларнинг шохи ёки суягидан тайёрланган. Хусусан, сигир шохидан ясалган тароқлар анча урф бўлган. Қадимги қабрларга тароқ марҳумни ўзга оламда магик ҳимояловчи восита сифатида қўйилган. Ибтидоий инсонларнинг тароқни магик ҳимоя воситаси сифатида тасаввур қилиши натижасида эртакларда тароқ образи қаҳрамонни ўзга олам вакилларидан, ёвуз руҳлардан асровчи сеҳрли предмет сифатида бадиий талқин қилинганлиги кузатилади.

“Икки ой, икки юлдуз” эртагида “қизнинг тароққа айлантирилиши” мотиви учрайди. Унда ҳикоя қилинишича, мастон кампир уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, тезда бир дуо билан қизни тароққа айлантириб, бошига санчиб олибди-да, чархига илинтириб қочиб кетибди”.

Қадимги славянлар орасида тароқ аёлларнинг магик атрибути саналган. Уни кўпинча афсунгар ва жодугарлар қўллашган. Шунинг учун бўлса керак, эртакларда кўпинча тароқ жодугар ва мастон кампирга ёки ялмоғиз кампирга тегишли предмет сифатида талқин қилинади. Бу ҳолат ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг сюжетида ҳам кузатилади. Масалан, “Илон подшо”, “Дев пўстин” сингари эртакларда тароқ жодугар кампирнинг сочини тараш предмети сифатида талқин қилинган. Жумладан, “Илон подшо” эртагида жодугар кампир қаҳрамонга темир тароқ ва ойна бериб, сочимни тара, битини боқ дейди. Лекин жодугар сочини тарашга ўтирган қаҳрамоннинг тизига бош қўяр экан, унинг қонини сўра бошлайди. Буни сезган қаҳрамон жодугар кампирдан қочиб қутулмоқчи бўлади. У кампирдан қочар экан, изма-из қувиб келаётган жодугарнинг йўлига аввал тароқни ташлайди. Тароқ ташланган жойда бепоён тўқайзор пайдо бўлади.

“Дев пўстин” эртагида жодугар кампирдан қочиб келаётган қаҳрамонлар унинг йўлига тароқни ташлайдилар. Тароқ чангалзор бўлиб, кампир ўтолмай қолади. Баъзи эртакларда жодугар йўлига тўсиқ бўлиши учун ташланган тароқдан чангалзор ёки тўқайзор эмас, чексиз-чегарасиз ўрмон пайдо бўлиши айтилади. Сеҳрли эртакларда тароқ, асосан, ўрмон ёки чангалзор рамзи бўлиб

келади. “Финист-сарлочин” рус халқ эртагида афсунгар аёл Финистнинг бошига сеҳрли тароқни қадаши билан у ўлик уйқуга кетади. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти Фольклор архивида №147 рақами билан сақланаётган “Етти пакана” эртагида ҳам шунга ўхшаш мотив учрайди. Эртакда подшонинг хотини дунёда ўзини ҳаммадан чиройли деб билади. Лекин бир куни фолчи унга ўгай қизи ундан чиройлироқ эканлигини айтади. Бунинг аламига чидолмаган хотин ўзини касалликка солиб, қизнинг юрагини даво сифатида емоқчи бўлади. Бироқ жаллодларнинг қизни ўлдиришга кўнгли бўлмайди. Шунинг учун уни қалин ўрмонга озиқ-овқат билан ташлаб келадилар. Фолбинлар орқали қизнинг тириклигини билиб қолган хотин бир атторни чақириб олиб, унинг қўлига заҳарланган тароқни беради. Тароқ сотадиган қиёфасидаги аттор қизнинг ҳузурига бориб, “Тароқ оласанми?” дейди. Қиз олмайман деса ҳам, у йўқ бу тароқ жуда яхши деганча, зўрлаб тароқдан олдиради. Қиз тароқни олиб бошига тақса, кўнгли кетиб йиқилиб тушади. Тароқни бундай образлантиришга, албатта, унга нисбатан магик-эътиқодий қарашларнинг мавжудлиги асос бўлган.

Хуллас, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида, хусусан, сеҳрли эртаклар сюжетида ғаройиб соч мотиви кенг тарқалган ва турли поэтик вазифаларда бадиий талқин этилади. Эпик асарларда оқ соқолли нуроний чоллар, тилла кокилли болалар, зар кокилли маликалар, узун сочли, қирқ ўримли пари қизлар образи алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг келиб чиқишига соч культига алоқадор мифологик қарашлар таъсир кўрсатган. Соч культига боғлиқ ҳолда шаклланган маиший-магик маросимлар ва ишончларнинг излари эса халқ сеҳрли эртаклари сюжетида ўзига хос бадиий кўринишларда сақланиб қолган.